

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕХНИКА ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

" ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ " КАФЕДРАСИ



**«Автомобиллар сервиси асослари» фанидан
маъруза матни**

Термиз - 2014

С Ў З Б О Ш И

Автомобиллар сервиси асослари фани «Транспорт воситаларидан фойдаланиш», «Транспорт воситаларини эксплуатация қилиш», «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» йўналишлари бўйича бакалавр даражасидаги мутахассислар тайёрлаш учун мўлжалланган бўлиб, уни ўқитишдан мақсад талабларда замонавий автосервиснинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятини англаш унинг таркиби ва ишлаб чиқаришни талаблар даражасида ташкил этиш тўғрисида илмий-амалий билимлар бериш билан бирга ўқув тизими шаклланишини ва шунингдек, ўз касбига, хизмат қилаётганлар фирмасига эътиқод ва садоқат фазилатларини тарбиялашни кўзда тутади.

Фанни ўзлаштириш жараёнида талабалар мазкур соҳанинг ривожланиш тарихи, унинг ташкил этилиши ва ишлаб чиқарилишининг илмий асосларини эгаллайдилар, унга ҳисса қўшган ва қўшаётган фирмалар, олимлар, республикамиз ва чет эллардаги автосервиснинг илқор тажрибалари билан танишадилар.

Фанни ўқитишда қўйидаги вазифаларни бажариш айти мудао ҳисобланади:

- талабаларда илмий тафаккурни шаклланиши, техниканинг ижтимоий ва инсонпарварлик аҳамиятини англаб етишишлари;
- кенг ва чуқур назарий билимлар асосида талабалар автомобилларни техник таъминлаш йўллари ва усулларини мустақил эгаллашлари, илмий техника ахборотидан фойдаланиб, ўз амалий фаолиятида илмий-техника тараққиётини таъминлай олишлари;
- талабаларни тармоқ илқор ишлаб чиқариш технологияси ва воситалари билан таништириш, замонавий усуллар асосида меҳнатни, ёнилқи-энергетик ва моддий ресурсларни тежаш, ҳамда экологик ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда муҳандислик бошқарув қарорларини қабул қила билишни ўрганиш;
- тармоқда қўлланилиб келаётган ва зарур бўлган меъёрий-техник, технологик ва ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш ва улардан фойдаланишни ўрганиш;
- мамлакатда ўтказилаётган ислоҳатлар натижасида тармоқда янги мулк эгаларини пайдо бўлиши, эркин, бозор иқтисодий муносабатларни шаклланиши шароитида автосервис хизматининг ўрни ва ривожланиши йўллари тушунтиришдир.

Мазкур фанни ўқитиш талабаларни муҳандис сифатида тайёрланиши яқунловчи даврида, яъни ўқитишни юқори курсларида мўлжалланган.

Курс маърузалар эшитиш, лаборатория ва курс ишларини бажариш, амалий дарсларда қатнашиш ва шунингдек ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш билан ўрганилади.

МАЗУ-1
АВТОМОБИЛЛАР СЕРВИСИ АВТОМОБИЛЛАРГА ХИЗМАТ
КЎРСАТИШНИНГ УМУМЖАҲОН ТАН ОЛИНГАН УСУЛИДИР.

Режа.

1. **Кириш. Автомобиллар сервиси ҳақида тушунча ва унинг маъноси.**
2. **Автосервис хизмати хиллари ва таърифи: техник ва тижорий хизмат турлари.**
3. **Автосервисни пайдо бўлиши ва ривожланишининг қисқа таърифи.**
4. **Автосервиснинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.**
5. **Фаннинг таркиби ва унинг ўқитиш ва ўзлаштириш тартиби.**

Таянч иборалар.

«Сервис» сўзининг маъноси, автомобил сервисининг давлат иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти, техник, тижорий ва информацион хизмат, «аҳоли автомобилларига ТХКни ташкил этиш чора тадбирлари» тўққизинчи ҳукумат қарори. 1970 йил статистик маълумотлари, ТХКС, автоустахоналар, прокат пунктлари, автосақлаш жойлари, фирма усулида хизмат кўрсатувчи корхоналар, Ўзбекистонда ривожланиш давлари, мустақил хизмат сифатида тан олинishi, автомобил паркиннинг ўсиб бориши, шаркат ва фирма усуллари, сиёсий-иқтисодий таназзул, иқтисодий ислохатлар, кичик ва ўрта бизнеснинг шаклланиши.

Адабиётлар.

1. Усмонов Д.И. Ўзбекистон республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибига ТХК ва таъмирлаш тўққизинчи ҳукумат қарори. - Т.: 1999, 42 б.
2. Афана́сьев.л.л. и др. гаражи и танции технического обслуживания автомобилей. М.: транспорт, 1980, 5-12 с
2. Фастовцев г.ф. организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: - транспорт, 1989, 8-11с.

Автомобиллар сервиси (автосервис) автомобилларга ҳар жиҳатдан, ҳаммабоп усулда техник ва тижорий хизмат кўрсатувчи иқтисодий соҳадир. «Сервис» инглизча «service» сўзи бўлиб, хизмат, аҳолига хизмат кўрсатиш маъносини билдиради.

Ҳозирги замон инсоният турмуши ва маданиятининг муҳим техник воситаларидан бири автомобиллардир. Автомобилларнинг давлатлар иқтисодиёти, маданиятини ривожлантиришдаги, ҳавфсизлигини таъминлашдаги ва аҳолини транспортга бўлган талабини қондиришдаги аҳамияти беқиёсдир.

Автомобиллар эса ўз навбатида махсус хизматга, автосервис хизматиға муҳтождирлар. Автосервис хизматиға автомобил транспортининг ажралмас қисми сифатида қаралиши ва ривожланиши, айниқса мақсадға мувофикдир. Чунончи, автосервис хизматининг бош мақсади ва аҳамияти ҳам мамлакат

автомобиллари, автомобил транспортини, қайси мулк шаклида бўлишидан қатъий назар, бетўхтов.

Хавфсиз, тежамкор ва ишончли ишлашини таъминлашдир. Деярли хар кунни автосервис хизматисиз биронта автомобил ўз вазифасини бажара олмайди, ишга чикувчи автомобилларни ёнилқи-мой билан таъминлаш, уларни бутлаш (комплектлаш), ювиш-тозалаш ва синчиклаб кўрикдан ўтказиш талаб этилади.

Техник хизмат ва таъмирлаш ишларини талаб этувчи автомобилларга эса махсус профилактик ва ремонт-таъмирлаш ишлари ўтказилади. Умуман, автомобилларга сервис хизмати сифатида ўтказиладиган ишлар уч қисмдан, яъни;

1. Техник хизмат
2. Тижорий хизмат
3. Информацион хизмат

Шу нуқтаи назардан техник хизмат ишлари дейилганда автомобил, унинг агрегатлари, деталлари ва қисмлари техник ҳолатини сошлаш ва тиклаш-таъмирлаш билан боқлиқ бўлган ишлар жамланмаси кўзда тутилади. Чунончи:

- Автомобилларга хизмат кўрсатиш, уларни ремонт қилиш;
- Автомобиллар агрегатлари, деталлари, кузовлари, шиналари, аккумуляторларини ремонт қилиш, иш қобилиятини тиклаш;
- Автомобилларни буюртмалар асосида диагностика қилиш;
- Автомобилларга кўчаларда, йўлларда, сақлаш жойларида талабига асосан техник ёрдам кўрсатиш;
- Автомобилларни қайта жиҳозлаш;
- Автомобилларни давлат техника қаровига тайёрлаш;
- Ёнгил автомобиллар ва автобуслар кузовларига коррозияга қарши ишлов бериш;
- Аварияга учраган автомобиллар кузовларини тиклаш;
- Автомобилларни сақлаш;
- Автосервис хизматини ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш шаклини ташкил этиш;
- Техник консультация, ахборот бериш ва х.к.

Тижорий хизмат ишлари эса автомобилларни эҳтиёт қисмлар, автоматериаллар ва авто анжомлар билан таъминлаш, савдо ва реклама қилиш ва умуман бу соҳани бизнес сифатидаги фаолияти тушунилади, аниқроқи;

- Автомобиллар, эҳтиёт қисмлар, автоматериаллар, автоанжомлар билан савдо қилиш;
- Автомобилларни ёнилқи-мой материаллар билан таъминлаш;
- Кўрсатиладиган хизмат турларини реклама қилиш, миждозларни ахборот билан таъминлаш миждозларнинг талаблари, фикрлари ва дидларини доимо ўрганиб, иш фаолиятида ҳисобга олиб бориш ва х.к.

Автосервис хизмат турларига шунингдек, аҳолии автомобилларини комисион усулда сотиб бериш, аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш ва автомобилларни ижарага бериш кабилар ҳам киради.

Автосервиснинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти Ватанимиз автомобил транспорт ива аҳолии автомобиллари учун ўлкан бўлиб, унинг хизматидан йил давомида ҳозирча 1 млн.дан ортиқ автомобиллар доимий фойдаланилади. Республикамиз автосервиси ўзига хос ривожланиш тарихи ва йўлига эга. Маълумки, жаҳон автосервиси автомобил саноати ва транспортга тенгдош бўлиб, улар билан бирга ривожланган ва ҳар хил тарихга эга. Зотан, жаҳон автомобил бозорларини эгаллаш ҳамма вақт замонавий автомобил сервис узлуксиз ишлаб туришини талаб этган.

Вахалонки, собиқ давлатимизда автосервисни пайдо бўлиши ва уни ривожланиши асосан фуқароларни автомобилларга эга бўлиши билангина боқлиқлик бўлган. Давлат сиёсати, ҳамма соҳада бўлганидек, автомобил транспортда ҳам асосан жамоат транспортини ривожлантиришга қаратилган эди. Шахсий, фуқаролар транспорти, иккинчи даражали ҳисобланавр ва уни транспорт системасидаги урни қадрланмас, ўзига хизмат кўрсатиш автомобил эгаларини ўз муаммолари бўлиб қолган эди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар мамлакатни фақат йирик ва марказий шаҳарларидагина бўлиб, улар асосан чет Эл саёҳатчилари ва элчихоналари автомобилларига хизмат қилар эди.

Фақат 1960 йилларни иккинчи ярмидан бошлаб махсус аҳоли автомобилларига хизмат кўрсатувчи корхоналар ташкил қилиниб ишга туша бошлади. Ўша пайтдаги ҳукуматининг 1968 йилда «Фуқаролар автомобилларига техник хизмат кўрсатишни ташкил этишни яқунлаш чоралари» тўққизинчи қарори бу соҳага давлат аҳамиятига эга масала сифатида ёндошиш бошланганидан дарак берди. Аҳолии автомобил нархи ҳам, айниқса 1970 йиллардан бошлаб, тез суръатлар билан ўса бошлади. Ўша пайтдаги статистик маълумотларига қараганда, аҳолини автомобиллашгани, яъни ҳар бир 1000 кишига тўқри келадиган автомобиллар сони қўйидагича ўсиб борган:

19726
1973.....8
1976.....14
1986.....38,5
1991.....42,4

Ўзбекистон аҳолисини автомобил парки 1991 йил бошида 1 млн. га яқинлашиб қолган ва маркаларига қараб қўйидагича тақсимланган эди:

«ЗАЗ»....15,6 %
«Москвич».....26,9 %
«ВАЗ».....47,4 %
«Волга»барча моделлари.....2,9 %
«УАЗ»469 барча моделлари.....0,05%
бошқалар7,15 % (чет эл автомобиллари).

Дастлабки ташкил этилган автосервис корхоналар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари, автоустахоналар, автомобил прокат (ижарага бериш) пунктлари, автосақлаш жойлари маҳаллий ҳокимиятлар, район ва шаҳарлар ижроий комитетлари тасарруфида бўлган ҳукумат қарорига асосан Ўзбекистон аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилиб унинг таркибидаги «Ўзавтотеххизмат» бошқармасига ўтказилган.

Мавжуд ишлаб турган автосервис корхоналари қаторига 1974 йилдан бошлаб фирма усулида техник хизмат кўрсатувчи «АвтоВАЗтеххизмат», сўнгра «КАМАЗавтотеххизмат», «АвтоЗАЗтеххизмат», «Москвичавтотеххизмат» ва бошқа автомобил заводларига қарашли автосервис корхоналари қўшила бошлади. Фирма усулида автосервис хизмати кўрсатиш уша пайтдаги давлатда ва шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам янгилик бўлиб, бу соҳада Янги давр бошланганидан дарак берар эди. Энди мамлакат автомобил заводлари Дуне автомобилсозлик фирмалари, изидан кетиб ўз махсулотларига ўзлари хизмат кўрсатиш мажбуриятларини ола бошлади. Автосервис хизмати янги босқичга кўтарилди, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланганидан, хизмат кўрсатишнинг техник ва маданий савияси яхшиланганидан бўлди. Автосервиснинг Ўзбекистондаги ривожланиши тарихини қўйидаги даврларга бўлиш мумкин.

Биринчи давр (этап 1965-70 йиллар), бу даврда автосервис мустақил хизмат кўрсатиш соҳа сифатида давлат томонидан тан олинди, ўз фаолиятини расмий равишда бошлади.

Иккинчи давр (1971-81 йиллар). Автосервисни ривожланиши Республика аҳолиси автомобил паркинни кескин ўсиб бориши билан бирга кузатилади. Масалан: 1965 йилда мамлакатимизнинг ҳар бир 1000 аҳолиси бошига 3 та шахсий автомобиллар тўқри келса, 1972 йили 8 та, 1978 йили 15 та, 1981 йили 35 та автомобиллар тўқри келди.

Шунга биноан автосервис хизмати кўрсатиш ҳажми биринчи даврга нисбатан 13 баробар ошди (рубл ҳисобида), ишчи постлар сони 14 марта кўпайди. Бу даврда республика автосервиси бутунлай Янги усулда хизмат кўрсатувчи фирма усулида «АвтоВАЗтехобслуживание» ва «КАМАЗтеххизмат» лар келиб қўшилди. Автосервисни моддий-техника базаси жиддий равишда мустаҳкамланди.

Учинчи давр (1981-90 йилларда) соҳанинг ривожланиши автосервис корхоналарни тармоқлари ва таркибининг янада ўсиши ва улар моддий-техника базасини янада мустаҳкамланиши билан белгиланади. Автосервис корхоналари тармоқларини ўсиши энг аввало ширкат (кооператив) усулидаги корхоналарни ва фирма усулида ишловчи «Москвич», «ГАЗ» ва х.к. сервис корхоналарини ташкил этилиши ва ишга туширилиши билан боқлиқдир. Техник хизмат кўрсатиш станциялари, махсус автомарказлар ва автоустахоналарнинг умумий сони фақат «Ўзавтотеххизмат» бошқармаси таркибида, январ 1991 йилда 282 корхонани ташкил этди. Улардаги ишчи постларни умумий сони 1152 тага, фирма усулида хизмат кўрсатувчи «АвтоВАЗтеххизмат», «Москвич», «АвтоЗАЗ» ва «АвтоГАЗ» теххизматчилар 50 та корхонада ишчи постлари сони 408 тага етди.

Тўртинчи давр (1991-96 йиллар) автосервиснинг ривожланишида бутун мамлакатдаги сиёсий иқтисодий-ижтимоий таназзул сабабли турқунлик, хатто чекланишлар юз берди. Кўрсатилаётган хизматлар хажми кескин камайди, кўпгина корхоналар, айниқса ширкат усулида ташкил бўлганлар. Инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва ишчиларни анчагина қисми (30-40% лар атрофида) ишдан бўшаб кетишди. Чунки мамлакатни иқтисодий ва молиявий ахволи жуда мураккаб таназзул холда эди.

Бешинчи давр (1996-ҳозирга қадар) соҳада яна ўсиш, хизмат турлари ва хажмини сезиларли ўсиши, ишлаб чиқариш техника базасини яна мустаҳкамлашни, мамлакатда иқтисодий ислохатлар ўтказилиши сабабли автосервис корхоналари тармоқлари ва таркибиникўпайиши ва ўсиши, кичик ва ўрта бизнес шаклида ишловчи кўпдан-кўп хусусий автосервис корхоналари, автоустахоналар, техник хизмат кўрсатувчи постларни кескин кўпайиши ва айниқса, мамлакатимиз автомобилсозлик саноатини ишга тушириш («ЎзДЭУ авто» ва «СамкочАвто» корпорациялари) ва улар томонидан қайта реконструкция қилинган автомарказлар ва дилер станциялари ишга тушишди. Соҳада автосервис бозори ва унда рақобат пайдо бўлиши.

Аммо республикамизда автосервис хизмати кўрсатиш хали талаблар даражасида эмас, бу соҳада бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, улар тўқрисида кейинроқ батафсил сузлаймиз.

Назорат саволлари.

1. Автомобиллар сервиси сўзининг маъноси нима?
2. Автомобилларни давлат иқтисодиётидаги ўрнига изоҳ беринг.
3. Сервис хизматининг мақсади нимадан иборат?
4. Техник хизмат нима?
5. Тижорат хизмат қандай амалга оширилади.
6. Сервис хизматида информацион хизматнинг ўрни.
7. Ўзбекистонда автосервис хизматининг ривожланиш тарихин айтиб беринг.
8. Автосервиснинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нимадан иборат?
9. Автосервис фанининг таркибий тузилиши нималардан иборат.
10. Фанни ўзлаштиришнинг қандай усуллари сизга маъқул?

АВТМОБИЛ СЕРВИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИ БЕЛГИЛОВЧИ ХУЖЖАТЛАР.

Режа.

- 1. Автосервис хизмати сифати тўқрисида тушунча.**
- 2. Автосервис хизмати сифатини белгиловчи ва таъминловчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар.**
- 3. хизмат сифатини таъминлашнинг техник ва ташкилий усуллари.**

Таянч иборалар.

Хизмат сифати, хизмат кафолати, бажарилган иш сифати, мижозларга хизмат кўрсатиш, тан олинмаган эҳтиёжлар, техник ҳужжат, технологик тартиб, техник талаб, сифатни шакллантирувчи омиллар, мижозлар қўядиган талаб, давлат стандартлари, соҳа стандартлари, корхона стандартлари, ЎзДЭУ авто низоми, буюртмани бажариш муддати, сифат кафолати

Адабиётлар.

1. Усмонов Д.И. Ўзбекистон республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибига ТХК ва таъмирлаш тўқрисидаги низом.- Т.: 1999, 3-5 б.
2. Афанасьев Л.Л., Колясинский Б.С., Маслов А.А. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. - М.: «Транспорт», 1980, 28-33 с.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бериш ва унда мувоффақиятли кураш олиб боришнинг асосий шартларидан бири бозорга қўйилган товарни (молни) ёки хизматни юқори сифатли бўлиши ва унга бериладиган кафолатлардир. Автосервис хизмати ҳам бу қоидадан мустасно эмас, чунки мижозлар автомобилларига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати хизмат кўрсатувчиларни бозордаги, тадбиркорликдаги мувоффақиятлари гаровидир. Хизмат кўрсатиш соҳасида, жумладан автосервис хизматида ҳам, сифат икки қисмдан, яъни автомобилда бажарилган ишларининг сифати ва автомобиллар эгалари мижозларга қилинадиган муомила маданияти ва қулайликлардан иборатдир. Масалан, «ЎзДЭУ авто» корпорацияси автосервисни қўйидагича таъминлайди:

«Сервис»- бу сифат бўлиб, мижозлар талабларини тўла қондиришга йўналтирилган турли мумкин бўлган қулайликлардир» ёки «энг муҳим вазифа – мижоз автомобили энг яхши хусусиятларга эга бўлиши учун нималар қилмоқни аниқлашдир». Бу сатрлар автомобилларда бажариладиган ишларнинг сифати қатори улар эгаларига кўрсатиладиган турли қулайликлар ва хизматларни муҳимлиги сервис нуктаи назаридан таъкидланади. Шу нарсани айтиш лозимки, яқин ўтмишимизда, бизнинг сервисимиз автомобилларга хизмат кўрсатишда маълум бир даражадаги, гарчи юқори бўлмасада, сифатни таъминлаб келган бўлсада, улар эгалари мижозлар эҳтиёжлари бутунлай тан олинмаган, улар учун хатто оддий қулайликлар яратилмаган, керакли, маълумотлар берилмаган. Ҳозирги пайтда бу соҳадаги

аҳвол аста тузатилиб келиняпти, аммо у талаблар даражасидан хали йироқ, ўтмишининг ярамас иллатлари барҳам топгани йўқ.

Автомобилларда техник хизмат ёки ремонт (таъмирлаш) миқёсида бажариладиган ишлар фақат шундай ҳолатларда сифатли деб тан олинади-ки, қачонки ўша ишлар техник ҳужжатларда кўрсатилган технологик тартибда техник талаблар ва шартларга риоя қилган ҳолдагина бажарилса, масалан, автомобил мотори блоки каллагини қотиришни алюминий қотишмасидан бўлган блокларда совуқ ҳолда бўлганларида бажарилса, чўян қотишмасидан тайёрланган блокларда иссиқ ҳолатларида қотирилади, (бу техник шарт), қотиришни ўртадаги шпилькадан бошлаб шахмат усулида тортилади (бу технологик талаб), тортиш кучи, моменти ГАЗ-53 мотори учун 67-72 Нм. Зил-130. 70-90 Нм ва ГАЗ-24 моторлари учун 73-78 Нм бўлиши (бу техник талаб). Хўш, ТХ ва таъмирлаш ишларини бажараётган ишчини бу талаблардан хабари борми? Шу талаблар даражасида иш бажара оладими? Бунга шароит борми? Ниҳоят, буни ким назорат қилади? Ким, унга кафолат беради? Шунга ўхшаш саволлар жуда кўп, Яна маълум даражадаги меҳнат унумдорлигини таъминлаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган талабларга риоя қилиш ва бир вақтнинг ўзида бажарилаётган ишларнинг юқори унумдорлигини таъминлаш жуда мураккаб масала бўлиб, кўпдан-кўп омилларга боқлиқ бўлганлиги сабабли сифат муаммосини ечиш осон бўлмайди.

Ҳар бир соҳадаги каби автосервис хизмати кўрсатишда ҳам сифат муаммосини ечишда ҳар томонлама ёндошиш талаб этилади, яъни бир неча ўзаро боқлиқ бўлган масалаларни кетма-кет ёки параллел равишда ҳал этиш зарурияти пайдо бўлади.

АТХК ва таъмирлаш ишлари сифатини шакллантирувчи омилларни санаб ўтамик, улар қўйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;
2. Моддий-техника таъминоти;
3. Кадрларни тайёрлаш ва доимо ўқитиш;
4. Метеорологик таъминот;
5. Хизмат сифатида бўлган талабларни меъёрлаштириш (нормаллаштириш) ва хизмат сифати даражасини барқарорлаштириш;
6. Хизматни аттестациядан ўтказиш (сертификация);
7. Хизмат сифатини яхшилашни рақбатлантириш;
8. Хизмат сифатини бошқаришни ҳуқуқий таъминлаш;
9. Давлат томонидан давлат стандартларини жорий этилиши ва унга риоя этилишини ҳамда техник шартлар, техник улчов воситалар ҳолатини назорат қилиш;
10. Хизмат сифатини муассасалар (махкамалар) томонидан назорат қилиш;
11. Тизимни маълумот (ахборот) билан таъминлаш.

Шу кўрсатилган барча йўналишлар бўйича корхонада ишлаб чиқаришни стандартлари тузилади ва уларда ўз йўналишлари бўйича бажариладиган тадбирлар, бажарувчи бўлимлар ва ижрочилар аниқ кўрсатилади.

Ҳар қандай кўрсатиладиган хизматни сифатига мижозлар қўядиган талаблар давлат қонунларида акс эттирилади ва шу ҳолатдагина уларни бажарилишига ҳуқуқий асос яратилади. Ўзбекистонда ва Россияда бундай қонунлар ҳозирча иккита: «Истемолчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш» тўқрисидаги қонуни 1996 йил май ойида қабул қилинган (Ўзбекистонда) ва «Товарлар ва хизматларни сертификация қилиш» тўқрисидаги қонун. Бу қонунларда товар (мол) ишлаб чиқарувчи ёки савдо қилувчилар билан истемолчилар, мижозларни ўзаро ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари, жавобгарликлари умумий тарзда келтирилган. Иккинчи қонунда эса товарни ёки хизматни сертификация қилиш, яъни уларни барча талаблар, стандартлар асосида тайёрланганлиги ёки бажарилганлиги давлат томонидан тасдиқлаш ва шунга ҳужжат ёки белги олиш.

Бу қонунлардан ташқари давлатни яна бир қанча стандартлари (ГОСТлари) мавжуд бўлиб, улар хавфсизликни таъминлаш ва табиатни асраш, экологик талабларидан келиб чиқади, масалан, автомобилни габаритлари, чироқлари, сигнализация, бошқарув органларига қўйилган стандартлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, муассасалар (махкамалар) ва соҳаларнинг ўз стандартлари мавжуд. Булар автомобиллар ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг ўз маҳсулотлари ва уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда қўлланиладиган турли қоидалар, низомлар, техник талаблар, шартлар, технологик интизом ва ҳакозалардир.

Юқорида келтирилган давлат қонунлари, стандартлари, соҳа ва муассасаларини талаблари ва стандартлари асосида автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналар хизмат сифатини таъминлаш ва уни талаблар даражасида барқарор ушлаб туриш мақсадида айтиб ўтилган йўналишлар бўйича ўз стандартларини ишлаб чиқаради ва амалга оширади. Товарлар ва хизматлар сифатига қўйиладиган барча ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар тизимини қўйидаги чизмада тасаввур қилиш мумкин. (расм 4).

Автосервис хизматини ҳуқуқий ва ихтиёрий таъминловчи ҳужжатлар тизими.

Давлат қонунлари ва стандартлари., тармоқ, муассасалар стандартлари, қоидалари ва талаблари. (ГОСТлар)	
Хизмат кўрсатувчи корхоналари, стандартлари	
Сифатни таъминловчи стандартлар	Мижозлар учун хизмат сифатини кафолатловчи кўрсатмалар
Ташкилий, техник, технологик, ва ҳакозо тадбирлар мажмуаси	Бузилмай, ишланг ресурслари ва юрган йўллари, кунлари ва ҳакозо

Ўзбекистонда 2 бўкинда (Ўзавтосаноат корпарацияси) автомобилларига (ЎзДЭУ авто) автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қилиш тўқрисида низоми ва аҳоли автомобилларига хизмат кўрсатиш

қоидалари ишлаб чиқилган. низомда автомобилларни техник хизмати ва ремонт асослари ва меъёрлари ва шунингдек уларни автотеххизмат корхоналарида ташкил этиш бўйича тавсияномалар келтирилади. Низомни асоси қилиб автомобилларни техник ҳолатини таъминловчи маълум бир стратегия танлаб олинади.

Ҳолатда эса миқдор билан бажарувчи-ижрочи орасидаги алоқаларни, таркибларни ҳуқуқий меъёрлари келтирилади. Шунингдек, қоидадан хусусан шуларни келтириш мумкин: буюртмани бажариш муддати:

- ТХ ва давлат техник қаровига тайёрлаш – 2 кун;
- Жорий ремонт – 15 кунга қадар;
- Кузовни тўла бўяш (эскисини олиб ташлаб)- 15 кунга қадар;
- Кузовни тўла тиклаш ва бўяш – 45 кунга қадар;

Сифатни кафолати:

- ТХ – камида 10 кун;
- Автомобилни, агрегатни, узелни жорий ремонт – 30 кун;
- Кузовни бўяш – 6 ой;
- Агрегатни капремонт – 6 ой, босган йўли 15 минут км. қадар.

Ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар кўпи билан амалда ҳали сифати масаласида кўп муаммолар ҳал бўлмапти.

Назорат саволлари.

1. Хизмат сифати нима?
2. Сифатни белгиловчи қандай ҳужжатларни биласиз?
3. Давлат ва соҳа стандартларини фарқини айтинг.
4. Техник ва технологик хариталарда нималар акс эттирилади?
5. Бажарилаётган ишларга қандай техник талаблар қўйилади?
6. Ишчи ўрнини таърифланг.
7. Технология жиҳозларни сонинг ва уларга қандай талаблар қўйилади.
8. Ҳолатларда нималар келтирилади.
9. Буюртмани бажариш муддати қандай меъёрланади.

3-МАВЗУ.

ФИРМА УСУЛИДАГИ АВТОМОБИЛ СЕРВИСИ.

Режа.

1. **Фирма усулидаги автосервис тўқрисида тушунча унинг ташкил этилишини асосий усуллари ва меъзонлари.**

2. **Фирма усулидаги автосервиснинг дунё автомобил бозоридаги ўрни ва аҳамияти.**
3. **Ривожланган давлатлардаги фирма усулида ташкил этилган, автосервис корхоналарини ташкил этишдаги тажрибалар.**
4. **Ўзбекистонда фирма усулидаги автосервис ва унинг истиқболлари.**

Таянч иборалари.

Автосервис хизматининг 1-усули, автомобилсоз корхона томонидан ташкил этилган хизмат, фирмавий автосервис хусусиятлари, миждозларни жалб этиш, фирма усули деб аталишининг сабаби, хизматни ташкил этишда иқтисодий-ташкилий тахлил варианты, ташкил этиш қоидаси, сервиснинг муҳим элементи, комбинациялашган вариант, «Рено» компанияси тармоқлари: ихтисослашган автомарказлар, франчайзинг станциялар, дилер станциялар.

Адабиётлар.

1. Афанасьев Л.Л., Колясинский Б.С., Маслов А.А. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. - М.: «Транспорт», 1980, 51-56 с.
2. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. – М.: Транспорт, 1989, 22-26 с.

Фирма усулидаги автосервис хизмати кўрсатиш автосервис хизматининг энг биринчи усулларида бўлиб, у автомобилларни ишлаб чиқариш ва харидорларга сотиш билан боғлиқдир. Чунки, автомобилларни сотиб олаётган харидорлар сотувчидан автомобилларни ишончли ишлашини, бузулган ҳолларда тузатиб беришлари ва ишдан чиққан қисмларини алмаштириш учун эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни кафолатлашларини талаб этишган, янги автомобилларни сотиш учун автосервис хизмати кўрсатувчи тизимни ташкил этиш эҳтиёжи тўқилган ва у автомобилсозлик саноати билан бирга тузила бошлаган. Бундай автомобил саноати томонидан ташкил этилган автосервис хизмати бугунги кунгача яшаб, ривожланиб келаяпти ва унинг номи фирмавий автосервис ёки фирма усулидаги автосервис хизматидир. Фирма усулидаги автосервис қўйидаги хусусиятларга эгадир:

- ҳар бир автомобил ишлаб чиқарувчи компания фақат ўз маҳсулотлари бўлган автомобилларга сервис хизмати кўрсатишини ташкил этади;
- сервис хизмати автомобиллар дунёни қаерида сотилса ўша жойларда ташкил этилади;
- хизмат тўла шаклда, яъни автомобиллар сотишдан тортиб то ТХ ва таъмирлашни барча турлари бажарилади ва шунингдек, эҳтиёт қисмлар таъмирлаш материаллари билан бекаму-куст таъминланади;

- автосервис хизмати кўрсатувчи ва фирма усулида ишловчи барча корхоналар (автомарказлар, дилер станциялари, махсус устаконалар ва х.к) улуши компаниялари томонидан зарур технологик жиҳозлар, асбоб-ускуналар, техник ва технологик хужжатлар билан тўла таъминланади;
- компания ўз автосервиси корхоналари учун ҳамма бўқиндаги кадрлар ва мутахассисларни тайёрлайди ва уларни касбий малакаларини доимо ошириб боради. Автомобилсоз компаниялар ўзаро ташкил этган автосервис тизимини жуда катта эътибор ва жиддийлик билан қарайдилар. Чунки бу тизимлар автомобилсозларни ўз миждозлари, яъни автомобилларни сотиб олувчи ва ишлатувчилар билан боқловчи муҳим вазифани бажарадилар, ўз компаниялари автомобилларни реклама қиладилар, сервис хизмати кўрсатишдаги миждозлар учун яратилган қўлайликларни мақтайдилар, ҳуллас, ўз компаниялари автомобилларини сотиб олувчи ва ишлатувчилар билан боқловчи муҳим вазифани бажарадилар, ўз компанияларининг ҳақиқий жонкуярлари эканлигини намоиш этадилар. Ўз навбатида автомобилсоз компаниялар ҳам уларнинг сервис хизмати тизимига катта эътибор беришларини юқорида айтиб ўтган эдик. Чунки, компанияларнинг автомобиллар бозорларидаги мавқеи, тижорий ишларини муваффақияти кўпинча айнан шу сервис хизмати тизимининг самарали ишлашига боқлиқдир. Бу сервис хизматини фирмовой ёки фирма усули деб аталиши сабаби эса ҳар бир автомобилсоз компания автосервисининг ўзига мосини, бошқа компаниялар сервисидан Бирон-бир жиҳати ажралиб туришидир. Албатта, бу ўзига хосликлар биринчи навбатида жиҳозлар манфаатиларига хизмат қилишлари шарт.

Масалан, баъзи автомобилсоз компаниялар ўз махсулотлари, автомобиллари ёки уларнинг муҳим қисмларига кафолатли (гарантийний) ишлаш даврларни бошқаларга нисбатан кўпроқ белгиласалар, бошқалар эса сервис хизмати миждозлар учун турли қўлайликлар яратиш билан шуқулланадилар.

Шуни таъкидлаш зарурки, фирма усулида ишловчи автосервис хизматини ташкил этиш автомобилсоз компаниялар учун, осон иш эмас. Бунинг учун компания мутахассислари катта хажмдаги иқтисодий-ташкилий масалаларни таҳлил қилиб ҳисоб-китоб қилиб чиқадиладар ва натижада фирма усулида автосервис хизмати ташкил этилишнинг қўйидаги вариантларидан бирини танлаб оладилар:

- автомобиллар ишлаб чиқарувчи компаниялар билан махсус шароитлар асосида ишловчи асосий фаолияти бошқа соҳа бўлган (сукурта компаниялари, АЗС эгалари, Бритиш, Петролиум фирмалари ёрдамида сервис хизматини ташкил этиш);

- махсус олиб-сотувчи фирмаларнинг махсус тайёргарликдан ўтган мутахассислари томонидан ташкил этиш (Сомитомо корпорейшн – Тоёто Япония);
- автомобиллар сотувчи агентлар (дилерлар) ёрдамида (Рено-Франция);
- автомобилларни айрим қисмларини ва системаларини (мотор, электр жиҳозлар, шиналар, аккумуляторлар ва х.к) ишлаб чиқарувчи фирмалар ташкил этган сервисдан фойдаланиш (масалан, А+Шда дилер-мотор чиқарувчи фирмалар Катерпиллер, Камминс, Дизел-Детройт, Интернационал, Мак, ФРГда, Раба Манн, Порше, Россияда, Русский узел ва х.к.) автоматик узатмалар ишлаб чиқувчи компаниялар – Американ Хонда мотор- Краслер, Форд мотор, Дженерал мотор, Ниссан,...ва х.к.
- махсулотлар ишлаб чиқарувчининг (автомобилсоз компанияларининг фирмалари орқали ташкил этилган автосервис хизмати (АвтоВАЗ, ЎзДЭУ АВто).

Бу усулларни ҳар бири ўз афзаллик ва камчиликларга эга, улардан қайсини қўллаш мураккаб тахлилий ишни талаб этади. Аммо қайси усулни қўллашдан қатъий назар сотувчи махсулот (автомобил) сифатига жавоб беради ва бу эса тижорат мувофаққиятининг калитидир. Фирма усулда автосервис хизматини ташкил этишни қўйидаги 8 та қоидага айлантирса муҳимдир:

1. Стратегия танлаш. Ҳар бир бозор учун мижозлар қандай хизматларни талаб этади, аввало шуни аниқлаб (маркетинг) уни таъминлашга кафилият берилади.
2. Мижозлар билан алоқа ўрнатиш, улар учун қўлайликлар яратиш. Агар мижозлар талаби кун жихатдан қондирилмаса уларни кўнгли совиб кетишига қарши чоралар қидириш, қўшимча хизматлар ташкил этиш (видео, кинофильмлар намойиш этиш ва х.к) кўргазмалар ташкил этиш.
3. Хизмат корхонасини ўз ходимларига бўлган аниқ ва равшан талаби: хизмат ходимларининг барчаси учун бабобар зарур бўлган намунавий (стандарт) хизмат қоидасини жорий этиш.
4. Узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш.
5. Сервис хизмати ходимлари малакасини доимо ошириб бориш, ўқитиш.
6. Мақсад- нуқсонсиз (браксиз) ишлашга эришиш. Сервис хизмати элементлари сонини мумкин қадар камайтириш, буюртма қабул қилингандан то у эгасига топширигунга қадар.
7. Мижоз хизматини баҳоловчи энг ишончли ҳакам. Улар фикрларини ўрганиш (анкеталаш) ва иложи борида ҳисобга олиш.
8. Ижодга йўл очиш.

Ҳозирги сервис бозори «Мижозга кўпроқ хизмат кўрсатиш», унга автомобил сотиш, у билан алоқа ўрнатилишини бошланишидир. Сервис хизматини янги усуллари доимо изланади. Сервисни муҳим элементларидан бири бу техник ҳужжатлардир. Уларни истемолчилар тилида содда ва раван усулда чиқарилади.

Бу хужжатларни муҳими:

- Автомобиллардан фойдаланиш тўқрисида йўриқномалар;
- ТХ ва таъмирлаш тўқрисида кулланмалар;
- Эҳтиёт қисмлар катологи;
- Кафиллик хизмати тўқрисидаги хужжатлар.

(Адабиёт. Маркетинг ва Во внешне-экономической деятельности. Терминологический словарь, Москва, «МО», 1992).

Амалда автомобилсоз компаниялар фирма усулидаги автосервис хизматини ташкил этишда юқорида келтирилган уни айнан бирон бир вариантини танлаб олиш билан чекланмай балки, бир неча вариантлардан иборат комбинацияларини қўллайдилар. Масалан, Франциянинг энг йирик автомобил компаниялари «Рено»га қарашли бутун дунё бўйлаб кенг ёйилган автомобилларга фирма усулида хизмат кўрсатувчи тармоқларида 13000 атрофида АТХКС лари ва автоустахоналари фаолият кўрсатадилар. Шулардан 6000 таси мамлакат ташқарисидадир. Бу тармоқ чизмасини кўйидагича тасаввур қилиш мумкин. (расм 5).

Рено компаниясининг автосервис хизмати кўрсатиш тармоқи.

Компаниянинг автомобил сотиш ва ТХ кўрсатиш бошқармаси (тижорат бошлиқи)
Ихтисослашган худудий автомарказлар.
Шартномалар (франчайзинг) асосида ишловчи станциялар
Дилер станциялари, автомобил сотувчи агентлар.

Ихтисослашган автомарказларда 50,75,100 постли АТХКСлар автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар билан улгуржи савдо қилувчи базалар ва бошқа маъмурий, молиявий, юридик ва ахборот органлари жойлашган. Компания автомобилларга автосервис хизмати кўрсатишган ихтисослашган станциялар улар худудларидаги автомарказлар билан шартномалар тузилади ва ишлайдилар. Бу станциялар концессионлар станциялари деб ҳам аталади, яъни шартнома асосида ишловчи маъносида. Автомарказлар мамлакатнинг барчо вилоятлари марказлари ва йирик шаҳарларда ташкил этилган умумий сони 50-60 атрофида.

Концессмонерлар станциялари ва (сони 500 атрофида) мамлакат бўйлаб ўрта ва майда шаҳарларда жойлашган. Бу станциялар ўз навбатида шаҳар маҳаллалари, қишлоқларда, майда йўл бўйларида жойлашган асосан кичик қувватли (3-6 постли) дилер-агент станциялари ва автоустахоналари билан шартнома асосида ишлайдилар. Бу станциялар асосан автомобиллар сотиш (янгиси ва эскиларини ҳам) кафолатли вам айда таъмирлаш ишлари ва ТХ ишларини бажарадилар. Савдо билан сервис хизмати орасидаги нисбат, даромад хисобида 15-85% фоиз. Фақат баъзи ишларни, масалан, моторни компьютер тизимини бошқариш, автоматик узатмалар қутисини таъмирлаш, олдинги ойналарни алмаштириш, бўйича бошқа мустақил станцияларга караганда кўпроқ бажариши мумкин. Шартномага асосан хар бир дилер

ўртача 300-350 тагача автомобилларни сотиши зарур. Ўз ишининг ривожига учун 350-400 та ишлатилган ва қайта таъмирланган автомобиллар ҳам сотилди. Италиянинг машхур (Фиат) компанияси ҳам шу йўналиш асосида автосервис хизматини ташкил этган. Унинг автосервис хизмати билан мамлакати ва унинг ташқарисида Иминч корхоналар шуқулланадилар.

Дилер станцияларининг мижозлари асосан якка автомобил эгалари (ТХ ва таъмирлаш бўйича) ва турли автотранспорт корхоналаридир (эҳтиёт қисмлар савдоси бўйича). Дилерларни мавқиси бошқа мустақил станцияларга қараганда юқори туради, уларда бажарилган ишларни сифати юқори баҳоланади ва алмаштирилган эҳтиёт қисмлар ишончли ҳисобланади. Уларда ишловчиларни иш ҳақлари ҳам 50-70 фоиз бошқаларга қараганда юқори бўлади. Умуман олганда фирма усулидаги автосервис хизматининг кадри юқори бўлсада унинг ҳажми юқори эмас. Масалан, А+Шда барча автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг фақат 8 фоизигина фирма усулида ишлайдилар. Уларни ТХ ва таъмирлашдаги бажарган ишларининг ҳажми 16 фоизигина ташкил этган (1990 йил

Назорат саволлари.

1. Фирма усулида хизмат нима?
2. Фирмовий хизматни ташкил этишнинг қандай усуллари биласиз?
3. Фирма усулида хизмат ихтисослашган фирмалар томонидан қандай ташкил этилади?
4. Дилер корхоналарининг, фирмовий хизматни ташкил этишдан асосий мақсадлари нима?
5. Фирмовий хизматнинг жаҳон автомабил бозоридаги ўрни нимадан иборат?
6. Сервиснинг муҳим ҳужжатларини айтинг.
7. Япония-тоёто фирмасининг фирмовий хизмат усулини айтинг.
8. А+Ш фирмалари тажрибаларидан келтиринг
9. Франция-рено кампаниясининг фирмовий хизмат усули биласизми?
10. Ўзбекистон автомобилсозлигида фирмовий хизматнинг истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

МАВЗУ-4.

АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРГА КАФОЛАТ ДАВРИДА ВА УНДАН СЎНГГИ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.

Режа.

1. Автомобилларни сотишга тайёрлаш ишлари
2. Автомобилларга кафолатли техник хизмат кўрсатиш тизими

Таянч иборалар

Автомобилларни сотишга тайёорлаш. Автосавдо жойлари. Автомобилларни сотиш олди техник хизматидан ўтказиш. Автомобилларга кафолатли техник хизмат кўрсатиш. Автомобилнинг «Сервис дафтарчаси». Диллерларининг кафолатли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлар

1.Автомобилларни сотишга тайёрлаш ишлари

Автомобилларга сервис хизмати кўрсатувчи кўпгина корхоналарнинг тижорий ишларига автомобиллар, уларга эҳтиёт қисмлар ва автоматериаллар билан савдо қилиш ҳам қиради. Айниқса бу ишлар диллер сервис стансияларининг биринчи вазифаси ҳисобланади.

Автосавдо жойлари – автосалонлар, эҳтиёт қисмлар сотиш дўконлари корхоналарнинг қиравериш қисмидаги энг нуфузли жойида жойлаштирилади. Уларни харидорлар дидига мос тушишига, замонавий, қулай ва шинам бўлишига ва жиҳозлашга катта аҳамият берилади, чунки сотиладиган автомобилларни харидорларга намойиш этиш ва реклама қилиш санъати тижорий ишларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Автомобил сотишнинг муҳим шартларидан бири уни сотиш олди техник хизматидан ўтказишдир. Бу хизмат «Автомобилларни сотиш олдида тайёрлаш қоидалари» махсус ҳужжати асосида бажарилади ва харидорларга ҳар томонлама бут, техник жиҳатдан соз ва ишлатишга тайёр янги автомобилни етказиб беришни кўзда тутди.

Сотиш олди техник хизмати уч турдаги ишларни ўз ичига олади.

- бажарилиши шарт, зарурий ишлар;
- талаб етилган ҳоллардагина бажариладиган ишлар;
- буюртмачи -мижоз талабига биноан бажариладиган ишлар.

Биринчи турдаги ишларга автомобилнинг ташқи кўринишини кўздан кечириш, ойна, декоратив деталларини химоя мойларидан тозалаш, кузовни ювиш, тозалаш, автомобил бутлиги ва ҳужжатларини текшириш, зарур ҳолларда бутлаш, эшик, капот ва ойналарни очиш ва ёпиш механизмларини текшириб кўриш, моторни ёндириб унинг енгил ўт олишини ва турли тартиботларда барқарор ва соз ишлашини текшириш, олдинги ўриндиқлар силжиши ва уларнинг орқа суянчиқлари механизмлари ишлашларини текшириш, моторнинг совутиш тизимидаги ва барча агрегатларидаги мой сатҳи, тормоз тизимининг жипслиги ва ундаги суюқликнинг сатҳини текшириш, приборлар панелидаги барча ўлчов-назорат асбоблари, чироқлар ва барча сигнал бериш асбоблари ишлашини текшириш, шиналарда ҳаво босимини ўлчаш ва ҳ.к.лар қиради.

Иккинчи турдаги ишларга юқорида кўрсатиб ўтилган барча агрегатлар, механизмлар ва тизимларда носозлиқлар, нуқсонлар кузатилган ҳолда уларни бартараф этиш, бунинг иложи бўлмаган ҳолда уни янгисига алмаштириш, созлаш, ростлаш, мойлаш ва ҳ.к.лар қиради.

Учинчи турдаги ишлар буюртма бўлиб, улар харидор-мижоз томонидан талаб етилиши мумкин бўлган - қўшимча ускуналар ўрнатиш, масалан, туманга қарши чироқлар, олиб қочишга қарши қулфлар, олдинги ва орқа қанотлар кетига сачрашдан ҳимоячилар (бризговиклар), қўшимча кўзгулар билан жиҳозлаш ва ҳ.к. кабилардир. Учинчи турдаги ишлар мижоз томонидан ҳисоб-китоб қилиниб тўланади.

Биринчи ва иккинчи турдаги ишларнинг умумий ҳажми 0,8...1,0 ишчи-соат ҳисобида белгиланиши мумкин ва сотувчи ҳисобидан бажарилади.

Сотиш олди техник хизматини бажариш учун алоҳида махсус ишчи пости ажратилиши ёки уни кафолатли техник хизмат кўрсатиш постларида бажариш мумкин.

2. Автомобилларга кафолатли техник хизмат кўрсатиш тизими

Дунё автомобил бозорида қатнашиш ва унда кучли рақобат шароитида муваффақиятли иш юритиш шартларидан бири автомобилсоз компанияларнинг ўз махсулотлари автомобиллар, эҳтиёт қисмлар сифатига кафолат беришдир. Бу деган сўз автомобилларнинг ишлатиш даври дастлабки бир неча йил ёки юрган йўлининг бенуқсонлиги кафолатланади, яъни бу давр давомида автомобилни ишлаб чиқарган компания – завод амалдаги қонунларга асосан, автомобилни сотиш ва ундан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, унда яширин сабабларга кўра содир бўлган носозликларни бартараф етиш, ишдан чиққан деталлари, узеллари ва агрегатларини ўз ҳисобидан алмаштириб бериш мажбуриятини олади.

Кафолат мажбуриятлари махсус ҳужжат «Автомобилларга кафолатли техник хизмат кўрсатиш низоми» да келтирилади ва кафолатли муддат давомида бажарилади. Кафолат муддати автомобил сотиладиган мамлакат қонунчилиги ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда автомобилсоз компаниялар ёки автомобиллар билан савдо қилувчи фирмалар томонидан белгиланади, масалан, Ўзбекистонда автомобиллар чиқарувчи ва сотувчи «ЎзДЭУ авто» компанияси ўз автомобилларининг барча моделлари учун кафолат муддати 12 ой ёки шу давр давомидаги босган йўлининг 20 минг км. ҳисобида қабул қилган. Кафолат муддати автомобилнинг «Сервис дафтарчаси» да кўрсатилган сотилган кунидан бошлаб ҳисоланади, бу давр мобайнида автомобилга учта ТХ (талон № 1,2,3,) ни ўтказиш мўлжалланган, талон № 1 бажариш муддати 2...3 минг км босган йўл оралиғида, бунда хизмат ҳақи бепул, фақат сарф бўлган материаллар (мой, филтр) учун ҳисоб– китоб қилинади. Қолган ТХ лар автомобил 10 ва 20 минг км йургандан кейин бажарилади ва улар учун автомобил егаси – мижоз тўла ҳисоб-китоб қилади. Сотиш олди ТХ дан тортиб кейинги ўтказилган барча ТХ лар ва кафолатли таъмирлашлар «Сервис дафтарчаси» га ёзилиб қайд қилиниши талаб етилади. Кафолатли таъмирлашни бажариш муддати, унинг

иш ҳажми ва мураккаблигига қараб, 20 ишчи кунидан ошмаслиги белгиланган.

Автомобил сифатига (техник ҳолатига) даъволарни кўриб чиқиш учун махсус комиссия автомобил сақланадиган жойга бориши ёки уни ишлаб чиқарувчи ваколатига ега бўлган диллерга келтириш зарурати бўлган ҳолларда, таъмирлаш муддати 30 ишчи кун ичида бажарилиши кўрсатилган. Кафолатли таъмирлашда фақат махсус техник талаблар ва андозаларга мос тушувчи ва уни ишлаб чиқарган заводлар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқловчи эҳтиёт қисмлар ва материаллар қўлланиши талаб этилади, таъмирланган деталлар, узеллар ва агрегатларни қўйиш ва фойдаланиш ман этилади. Кафолатли таъмирлашда ишлатилган деталлар, узеллар ва агрегатларнинг кафолат муддати қўйилган кунидан бошлаб 12 ой ёки 15 минг км. ҳисобида белгиланган.

Компаниянинг автомобиллар билан савдо қилувчи барча автотурақлари ва диллер корхоналарида кафолатли хизмат кўрсатиш участкалари ишлаб туради, улар малакали мутахассислар, керакли анжом-ускуналар ва зарурий эҳтиёт қисмлар билан таъминланган. Кафолатли ТХК ёки таъмирлашга муҳтож бўлган автомобил, қаерда сотилишидан қабтӣ назар, автомобилни ишлаб чиқарган компания ташкил этган, ҳоҳлаган бундай диллер корхоналарининг бирига кириб унинг хизматидан фойдаланиши мумкин.

Дунёдаги барча автомобилсоз ва автомобиллар билан савдо қилувчи компаниялар, фирмалар ўз диллерларининг кафолатли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларига катта аҳамият берадилар, чунки бу фаолият компанияларнинг мижозлар олдидаги обрў-этиборига, мавқеига катта таъсир кўрсатади, зотан улар бизнесининг муваффақияти ҳам айрим жиҳатдан шу хизмат савиясига боғлиқдир. Шунингдек, автомобил сотиб олиб уни ишлатган мижоз ҳам автомобилни кафолатланган даврида бир қанча қоидаларга риоя қилиши, чунончи:

- махсус қўлланмада келтирилган техник эксплуатация қоидаларига риоя этиши;
- фақат тавсия етилган эксплуатацион материаллардан (ёнилғи, мой ва ҳ.к.) фойдаланиши;
- автомобилни йўл-транспорт ҳодисаларидан сақлаш;
- автомобилни спорт мусобақалари ва ўқув – ўргатувчи машқларида қатнаштирмаслиги талаб этилади.

Автомобилнинг кафолат ҳуқуқи сақланиши ва ундан маҳрум бўлиш ҳоллари юқорида келтирилган ҳужжат – низомда батафсил келтирилган.

Назорат учун саволлар:

1. Автомобилда сотиш олди ТХ ўтказиш қандай мақсадни кўзда тутаяди ва унда қандай ишлар бажарилади?
2. Сотиладиган янги автомобил қандай талабларга жавоб бериши зарур?

3. Автомобилга кафолатли ТХ кўрсатиш ва уни кафолатли таъмирлаш нимани англатади ва қандай хужжатлар асосида бажарилади?
4. Кафолатли ТХК ва таъмирлаш ишлари диллер станцияларида қандай ташкил этилади.

МАВЗУ-5. АВТОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Режа.

1. **Автомарказларда, АТХКС-ларида ишлаб чиқаришни жараёнларини ташкил этилиши технологияси.**
2. **Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш (мол алмашиш).**
3. **Буюртмачи мижозлар билан ишлашни ташкил этиш ва уларга қулайликлар яратиш.**

Таянч иборалар.

Ишчи ва ёрдамчи постлар, устахона, ТХК минтақалари, пост ишлари, устахона ишлари, ишлаб чиқариш технологияси, ювиш-йиқиштириш, қабул қилиш, ТХК, ташхислаш постлари, таъмирлаш устахоналари, таъмирлаш постлари, техник назорат ва эгасига топшириш участкалари, ихтисослашган-махсус участкалари, универсал постлар, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, механизация, автоматизация, компьютерлаштириш, рационал технологик жараён, ҳаммабоп технология, универсал технология, технологиянинг яқунланувчанлиги.

Адабиётлар

1. Афанасьев Л.Л., Колясинский Б.С., Маслов А.А. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. - М.: «Транспорт», 1980, 68-71 с.
2. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. – М.: Транспорт, 1989, 131-134 с.
3. Напольский Г.М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания автомобилей. - М.: Транспорт, 1994, 18-22 с.

АТХКС даврида автосервис хизмат турларининг энг муҳимлари автомобилларга ТХ кўрсатиш ва уларни таъмирлаш (ремонт)дир. Хизматни бошқа турлари тижорат ва техник аҳамиятга эга бўлсада шу икки хизматга йўлдош сифатида бажарилади.

Техник хизмат (ТХ) ва таъмирлаш ишлари ишлаб чиқариш биносининг махсус жихозланган ишлаш постлари ва устахоналарида бажарилади.

Автомобилларни ўзида бажариладиган ишлар пост ишлари деб аталади ва махсус постларда бажарилади. Автомобиллардан чиқариб олинган агрегатлар, асбоб-приборлар, қисмлар эса махсус устахоналарга келтирилиб таъмирланади ва соланади. АТХК станцияларининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси (тартиби ёки кетма-кетлиги) ягона ўзаро боқланиш мезони асосида автомобилни ювиш-йиқиштириш-қабул қилиш

учун кўриб чиқиш ва зарур бўлган ҳолларда автомобилни диагностика постидан ўтказиб бажариладиган ишлар ҳажмини олдиндан тахминий аниқлаш ва уларни бажариш шартларини мижоз билан келишишдан бошланади. Шунини айтиш керакки, қайси ва қандай ишларни бажарилишини танлаш ва буюриш мижознинг ҳуқуқидир. Бунда албатта сервис ходими унга малакали тушунтириш ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Мижоз билан сервис қабул қилувчи мутахассиси барча асосий масалалар (ишлар ҳажми, бажариш муддати ва хизмат нархи) бўйича келишилиб керакли ҳужжатлар тўлдирилгандан сўнг (техник ҳолат далолатномаси, буюртма-наряд) автомобил ТХ кўрсатиш ёки таъмирлаш зонасига (участкасига) жўнатилади. Агар ТХ га кўшиб таъмирлаш ишларини бажариш ҳам талаб этилса, олдин таъмирлаш сўнгра ТХ ишлари бажаримлади.

Барча буюртма-наряддаги ишлар бажарилиб бўлганидан сўнг автомобил техник назоратдан ўтказилиб эгасига топширилади. Изоҳ қилинган технологик жараёни қўйидаги чизма шаклида келтириш мумкин. (расм 6).

Келтирилган технологик чизма умумий бўлиб, ТХ ва таъмирлаш ишлари ҳажми мижознинг талаби ва хоҳишига қараб, ўзгариши, кўп вариантли (8-10) ҳоллари бўлиши мумкин, масалан, ТХни тўла ҳажмда ва таъмирлаш, ТХни айрим ишлари билан таъмирлаш ишларини бажариш ва х.к.

Шунини таъкидлаш керакки, ҳамма ҳолларда ҳам автомобилни ювиш тозалаш, қабул қилиб куздан кечиртиш ишлари бажарилади, хавфсизликни таъминловчи механизмлари ва тизимлари диагностикадан ўтказилади, зарурат бўлса чуқур диагностика қилиб сўнг ишчи постларга ёки кутиш жойларига жўнатилади.

Одатда қабул қилиш ва техник-назорат қилиниб, эгасига топшириш постлари бирлаштирилиб, бир жойда автомобил бир мутахассис томонидан ҳам қабул қилинади ва ҳамда эгасига топширилади.

Йирик ва ўрта қувватли АТХКСларида ТХ ва таъмирлаш участкаларининг айрим ишчи постлари баъзи ишларни бажаришга ихтисослашган бўлишлари мумкин. Масалан, мойлаш ва мойларни алмаштириш пости, тормозларини текшириш ва созлаш, олдинги қилдиракларни ўрнатиш бурчакларини назорат қилиш ва созлаш постлари ва х.к.

ТХ ва таъмирлашнинг барча умумий ишлари, чунончи, созлаш, қотириш, агрегатлар, қисмларни ўриндан ажратиш олиш ва урнига қўйиш ва х.к. кабилар бажариладиган постлар универсал постлар деб аталади ва кўпчиликлари ташкил этади.

Кичик қувватли станцияларнинг (2-6 постли) постлари асосан универсал постларидан иборадир.

Йирик ва баъзан ўрта қувватли АТХКС ларида автомобилларга майда таъмирлаш ишларини (3 ишчи соатгача) бажариш учун алоҳида кириш ва чиқиш учун қулай бўлган жойда махсус постлар ажратилади. Бунда автомобилни ювиш-тозалаш ва қабул қилиш участкаларидан ўтиш талаб этилмайди. Автомобил шундоқ келади-ю, қабул қилувчи билан келишилган ҳолда бўш турган постга киритилади ёки бўш бўлмаган ҳолда кутиб туради.

Шу жойни ўзида, айнан шу постда, барча ишлар бажарилади ва автомобил чиқиб кетади.

Баъзан, асосан чет эл амалиётида, шу постлар қаторида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш постлари ҳам ажратилади, яъни мижоз ўзи ёки ёрдамчиси билан ўзлари мўлжаллаган ишларни ўзлари бажариб оладилар. АТХК корхоналари ишлаб чиқариш технологиясининг муҳим элементлари бу-жараёнларни механизациялаштириш, автомотизациялаштириш ва компьютерлаштиришдир.

Механизация тўқрисида аввалги машгулотимизда гап кетган бўлса автомотизация қўлланилганда технологик жараёнлар ишларини бажарувчи машина ёки машиналар жамламаси шу ишларни бажарибгина қолмай, балки шу технологик жараённи бошқариб ҳам боради. Технологик жараённи бошқариш инсонлар томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурлар ёрдамида бажарилади.

Автосервис соҳасида автомобилларни ювиш, диагностика қилиш, омбор хўжаликларида автомотизацияни қўллаш айниқса мақсадга мувофиқдир.

Компьютерлаштириш эса барча ҳисоб-китоб ахборот олиш ва уни сақлаш ва тарқатишда беназир воситадир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этилишининг технологияси, яъни барча ишлар бажарилишининг кетма-кетлиги, тартиби ишлаб чиқилар экан, бу технология рационал, энг мақсадга мувофиқ бўлишига интилинади.

Мақсадга мувофиқ (рационал) технологик жараён эса қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- Содда ва қулай бўлиши;
- Ҳаммабоплиги ва универсаллиги;
- Ишларни якунлашга имкон бериши;
- Хавфсизлиги;
- Механизация ва автомотизация воситаларини кенг қўллашга имкон беришидир.

Ҳаммабоп технология дейилганда, унинг кўп маротаба бошқа жойларда ҳам қўллаш имконияти мавжудлиги тушунилади, универсаллиги дейилганда турли моделдаги, типдаги автомобилларга хизмат кўрсатишда ҳам шу технологияни қўллаш мумкинлиги тушунилади.

Технологияни якунловчанлиги эса автомобил ҳар бир участкадан ўтган пайтда шу участкада мўлжалланган барча ишлар тўла бажарилиши зарурлигини билдиради.

Автомобилларга ТХ кўрсатиш станцияларида ишлаб чиқариш технологик жараёни ташкил этилиши.

ТХ кўрсатиш постлари	Кутиш ва қабул қилиш зонаси	Ювиш ва тозалаш участкаси	Кириш
Агрегатлар деталларини таъмирловчи устахоналар.		Махсус диагностика участкаси	Чиқиш

Автомобилни постлари	таъмирлаш	Техник назорат ва эгасига топширишпости	
-------------------------	-----------	--	--

Албатта, рационал мақсадга мувофиқ технологияда меҳнат унуми ва сифати юқори бўлишлиги зарур ва шарт. Автосервис хизмати кўрсатиш йирик компаниялар, фирмалар ўзларининг автомарказлари, АТХКСлари ва дилер станциялари учун ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил этилишини турли вариантларини ишлаб чиққанлар ва қўлланганлар. Биз юқорида келтирилган чизма эса шу вариантларнинг биридир.

Назорат саволлари.

1. Автосервис корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг қандай турларини биласиз?
2. Ювиш-тозалаш участкасининг зарурати нимада?
3. +абул қилиш постида қандай ишлар бажарилади?
4. Диагностиканинг турларини айтинг?
5. Чуқурлаштирилган диагностика ишларини сананг.
6. ТХК ишлари қандай жойда бажарилади?
7. Таъмирлаш устахоналарининг ном ива вазифасини айтинг?
8. Ишлаб чиқариш қандай ихтисослаштирилади?
9. Кооперация (мол алматириш)нинг маъносини тушунтиринг?
10. Мижозларни жалб этишнинг қандай усулларини биласиз?
11. Мижоз учун қандай қулайликлар яратилиши керак?

МАВЗУ-6.

АВТОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧАСТКАЛАРИ ВА УЛАРДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР.

Режа.

1. Автомобилларга комплекс хизмат кўрсатувчи автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва жиҳозлари.
2. Таъмирлаш тиклаш устахоналари ва уларнинг асосий технологик жиҳозлари.
3. Ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи участкалар.
4. Ишлаб чиқаришни ҳар тамонлама механизациялаштириш, автоматлашиш ва компьютерлаштириш метрология таъминлаш.
5. Моддий-техник таъминотини ташкил этиш.

Таянч иборалар.

Автомобилларга комплекс хизмат кўрсатувчи корхона участкалари. Автомарказлар участкалари, ТХКС ва автоустахоналар участкалари. Автомобилларни ювиш-тозалаш ва қуриштириш, қабул қилиш ва эгасига топшириш, махсус диагностика, ТХК постлари, таъмирлаш постлари, агрегатлар таъмири участкалари. Аккумулятор, электротехника, таъминлаш тизими, кузов, бўёқ, арматура устахоналари. Табел асосида жиҳозлаш, технологик жиҳозлар ҳисоби, ишчилар сонига қараб анжомлар ҳисоби.

Адабиётлар

1. Афанасьев Л.Л., Колясинский Б.С., Маслов А.А. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. - М.: «Транспорт», 1980, 74-77 с.
2. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. – М.: Транспорт, 1989, 134-136 с.
3. Напольский Г.М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания автомобилей. - М.: Транспорт, 1994, 25-27 с.

Автосервис корхоналарининг ишлаб - чиқариш участкалари ва уларга ўрнаштирилган технологик жиҳозлар таркиби ва сонини шу корхоналарнинг қувватига, ишлаб чиқаришнинг ихтисосланганлигига боқлиқдир.

Умуман олганда, автомобилларга тўла равишда (комплекс) хизмат кўрсатувчи корхоналарда қўйидаги ишлаб чиқариш участкалари ташкил этилади:

- Автомобилларни ювиш ва қуриштириш;
- Автомобилларни хизматга қабул қилиш ва уларни эгасига топшириш;
- Махсус диагностика участкаси;
- Техник хизмат кўрсатиш постлари;
- Таъмирлаш (ремонт) агрегатларни алмаштириш постлари;
- Кузов элементларини (эшиклар, қанотлар, бамперли в.а.х.);
- Автомобиллар агрегатлари, узеллари, приборлари ва жиҳозларини таъмирловчи устахоналар;
- Агрегатлар ва улар детал узелларини таъмирловчи;
- /илдирақлар ва шиналарга хизмат кўрсатувчи;
- Аккумуляторларни таъмирловчи ва зарядка қилувчи;
- Электр жиҳозларига хизмат кўрсатувчи;
- Моторни озиқлантириш тизими приборлари (карбюратор-электр бензонасос в.а.х.)га хизмат кўрсатувчи;
- Кузовни таъмирлаш комплекси (тунукасозлик, пайвандлаш, арматура, бўйшага тайёрлаш, бўйша ва қуриштириш).

Автомарказларда, йирик ва ўрта АТХК станцияларида юқорида келтирилган ишлаб чиқариш участкаларининг барчаси тўла ва мустақил равишда ташкил этилади. Лекин, унинг бир қанча вариантлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, майда таъмирлаш ишлари (3 ишчи соат хажми) ТХ постларида ёки алоҳида, киришга ва чиқишга қулай бўлган постларда баъзан бажарилади. Баъзи участкалар кичик АТХКларда бимрлаштирилади, масалан, аккумулятор устахонаси электр жиҳозлари устахонаси билан озиқлантириш тизими, приборларини таъмирлаш агрегатлар устахонасида бажарилиши мумкин. Шунингдек ТХ ишлари таъмирлаш ишлари билан бирга бир участка постларида ташкил этилиши ҳам мумкин.

Автомобилларни ювиш тозалаш ва қуриштириш участкаси автомобиллар салони йиқиштириш ва тозалаш, моторни ва кузовни ҳар томондан,

шунингдек остидан ҳам ювиш, кузовни қуришиш ва жило бериш (полтровка) ишлари бажарилади.

Замонавий АТХКСларда бу ишларни бажарувчи участкалар керакли жихозлар ва сув тозалагич иншоотлари билан таъминланади. Бу участка корхонанинг қуввати ва имкониятига қараб механизациялашган ёки қўлда шланг ёрдамида ювадиган бўлиши мумкин.

Аммо автомарказлар, йирик ва баъзи ўрта қувватли АТХКСларда ювиш участкаси албатта механизациялашган, баъзида эса автоматлаштирилган бўлади.

Автомобилларни қабул қилиш ва эгасига топшириш участкаси автомобилни қабул қилишда қўйидаги ишларни бажаради: автомобилни ташқи кўринишини кўздан кечириш учун бутлигини текшириш, эгаси «носоз» деб айтган агрегатлари ва узелларни текшириб кўриш, шунингдек барча хавфсизликни таъминловчи орган ва механизмларни текшириш кўриш шарт. Шунингдек, автомобилнинг умумий техник ҳолатини белгиловчи агрегатлари ва қисмларини ҳам, эгаси буюртмасидан қатъий назар кўриб чиқилади.

Барча бажариладиган ишларни тахминий ҳажми, бажариш муддати ва нархи белгиланади ва миқдор билан келишилади, сўнгра ҳужжатлар расмийлаштирилади. Автомобилни эгасига топширишда эса буюртмада кўрсатилган ишларни бажарилганлиги, автомобилни бутлиги ва ташқи кўриниши текширилиб топширилади.

Автомобилларни қабул қилишда ва уларни эгасига топширишда диагностик жихозлар ёки асбобларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Махсус диагностика участкаси автомобилларни, уларни агрегатлари, механизмлари ва тизимларининг техник ҳолатини аниқлаш, баҳолаш билан шуқулланади.

Диагностика жараёнида техник ҳолатни аниқлаш қисмларга ажратмасдан, яъни ичини очмасдан, махсус дастурларга асосан стендлар, улчрв ва назорат асбоблари ёрдамида бажарилади. Диагностика ТХ кўрсатиш ва таъмирлашнинг муҳим элементи ва назорат ишларининг асосий воситаси, усули бўлиб уни билиб қўлланилса меҳнат сарфи камаяди ва иш унуми ошади: энг муҳими сифат, автомобилларни техник ҳолати яхшиланади.

Техник хизмат кўрсатиш постлари профилактик, яъни тусатдан, қўтилмаганда автомобилда носозликлар, бузилишлар содир бўлиши эҳтимоллини олдини олиш ишларини бажариш учун мулжаллангандирлар. Маълумки, бу ишлар қаров-назорат, қотириш маҳкамлаш, созлаш, мойлаш вaм айда таъмирлаш ишларидан иборат бўлиб керакли технологик жихозлар билан таъминланган постларда махсус чуқурлар устида ёки кўтаргичлар, экстакадаларда бажарилади. ТХ участкасининг айрим постлари, баъзи ишларини масалан, мойлаш, олдинги қилдиракларни ўрнатиш бурчакларини текшириш ва созлаш, мотор газлари захарлилигини меъёрига келтиришига ихтисослашган бўлиши мумкин. Бу участка постларининг ихтисосланганлиги

ёки жами ишларини бажаришга мўлжалланганлиги корхонанинг қувватига, ишлари хажми ва уларни ташкил этиш усулига боқлиқдир.

Таъмирлаш (ремонт) агрегатларни алмаштириш постлари автомобиллар агрегатлари, узеллари ва тизим қисмларида содир бўлган бузулишлар, носозликларни тузатиш учун хизмат қилади. Кўп ҳолларда бу бузулишлар ва носозликлар оддий созлаш ёки қотириш билан бартараф этиб бўлмайди, шунинг учун ўша агрегат ёки узел автомобилдан ечиб олинади ва у ёки алмаштирилади ёки махсус устахоналарда таъмирланади.

Таъмирлаш постлари ҳам махсус жиҳозланган чуқурлар, бир қанча тиргакли кўтаргичлар ёки эстакадалардан иборатдир. Баъзан таъмирлаш ишларини бажаришда автомобилни кўтарилиши ва уни остида иш бажариш талаб этилмайди, масалан, чақмоқ (свеча) ни ёки карбюраторни алмаштириш бу ҳолларда иш махсус ажратилган оддий жойларда бажарилиши мумкин. Таъмирлаш участкаси, шунингдек кўтарувчи ва ташувчи кранлар, қўл ёки электроталлар билан жиҳозланади ва Кучма домкратлар билан таъминланади.

Баъзан енгил автомобиллар кузовларининг шикастланган элементларини (эшиклари, қанотлари, бамперлари ва х.к) тўқрилашга ёки текислашга, пайвандлашга ва жойида бўйшга тўқри келиб қолади. Автомарказларда, йирик ва ўрта қувватдаги станцияларда шу ишларни бажаришга махсус ажратилган ва жиҳозланган постлар бўлади.

Ўз табиатига кўра постларда бажарилиши мақсадга мувофиқ эмас ёки мумкин бўлмаган таъмирлаш ишлари юқорида айтиб ўтилгандек, махсус таъмирловчи тикловчи устахоналарда бажарилади. АТХКСлардаги бу устахоналарнинг таркиби ва сони шу корхонанинг қувватига йиллик ишлар хажмига боқлиқдир.

Агрегатларни таъмирлаш ва механика участкаси ёки цехида моторлар, узатмалар қутиси, илашиш муфтаси, олдинги ва орқа кўприklar, редуктор, рул механизмлари ва бошқа узелларни қисмларга ажратиш ва йиқиш, айрим деталларга, масалан, тирсакли вал, мотор блоки ва х.к. ларга турли хилдаги механик электрогальваник, чилангарлик каби ишловлар берилади ва синалади.

Акукумулятор устахонасида эса аккумуляторлар батареяси зарядкаси тўлдирилади ёки улар таъмирлангандан сўнг янгидан зарядланади, дистилланган сув ва электролит тайёрланади. Таъмирлашга яроқли аккумуляторлар батареяси автомарказлар, йирик АТХКСлари ёки махсус ихтисослашган устахоналарда корпусини алмаштириш ёки мастика қўйиб тузатиш пластинкалари ва сепараторларини алмаштириш, қўрқошинли сеткалари ва клеммалари қалайлаш, кавшарлаш билан таъмирланиб ишлаш қобилияти тикланади.

Электроника ёки электр жиҳозларини таъмирловчи устахонада эса электр ва электрон блоклари, агрегатлари (генераторлар, стартерлар, турли узатмалар, электромоторлар, электрон моторлар ва х.к) ва бошқа назорат-улчов асбоблари текширилиб қурилади ва зарурат бўлганда таъмирланади. Шунини таъкидлаш лозимки, бу жиҳозларни носозлиги автомобилларни ўзида

таъмирланган постларда тозалаш, қотириш ва созлаш ишлари билан бартараф этилиши иложи бўлмаган ҳоллардагина бу устахонада келтирилади.

Таъмирлашга келтирилган жиҳозлар аввал махсус стендларда текширилиб кўрилиб, сўнгра қисмларга ажратилади, ювилади, тозаланади, сўнгра қурилади ва дефектовка қилинади, яъни яроқсизлари янгисига ёки яроқлисига алмаштирилади, баъзилари таъмирланади ва яна йиқилиб синаб кўрилади.

Озиқлантириш тизими приборлари жиҳозларини таъмирловчи устахонада эса бензонасос, карбюратор, свечаларни қисмларга ажратиб, ювиб тозаланади, яроқсиз деталларини алмаштириб сўнгра қайтадан йиқиб текшириб ва синаб кўрилади.

Кузовни таъмирлаш устахонаси барча устахоналарда энг катта бўлиб, ундаги ишларининг ҳажми ва мураккаблиги кўп вақтни талаб этади. Шунинг учун бу устахонанинг майдони энг катта, ундаги ишчиларнинг сони нисбатан энг кўп бўлади. Кузов устахоналари автомарказларда, йирик АТХКСлари ва шунингдек, шикастланган кузовларни тиклашга ихтисослашган махсус станцияларда ташкил этилади.

Кузов устахоналари бир неча мустақил ишлаб чиқариш участкаларидан чунончи тунукасозлик, бўяшга тайёрлаш, бўяш ва қуриштириш ва арматураларни таъмирлаш жамламасидан иборатдир. Бу устахонага кузов, барча агрегатлар осма қисмлардан ажратилган ҳолда келтирилади. Кузовни таъмирлаш, тункасозлик участкасидан бошланади. Бу жойда урилиб шикастланган кузовлар махсус стендларда винтли, гидравлик тортмаларда тортилиб тўқриланади, коррозияга учраб чириган жойлари ва деформация эзилиб тўқрилашни иложи бўлмаган қисмлари автоси ёрдамида кесиб таналанади. Олиб ташланган жойларга эҳтиёт қисмлар ёки махсус тайёрланган ямоқлар пайвандланади. Пайвандлаш кабонат ангидридли химояли муҳитда ярим автоматик электро ёйли қурилмаларда бажарилади. Кузов панеллари ва узакларининг ёрилган ва узалган жойлари ҳам шу электро ёйли пайвандлаш усули ёрдамида уланади.

Кесишда эса автоген усули билан бир қаторда пневматик юритмали айланма кескичлар қўлланилади. Кузов деталларини бир-бирига улашда контакт нуқтасимон электр пайвандлаш усуллари ҳам қўлланилади.

Тўқрилган ва уланган кузов сўнгра пайвандлаш чокларидан тозаланади ва айниқса, обдон махсус асбоблар ёрдамида қўл зарбаси билан текисланади. Узел-кесил тўқрилган, нафис ҳолгача текисланган ва тозаланган кузов бўяшга тайёрлаш участкасига ўтказилади. Бу жойга кузов сатхидан бўёқлари иложи борица кириб, сидириб ташланади, жилвир қоқоз билан ишқаланиб тозаланади, нотекис жойлари ва тирқишлари махсус шувоқ шпаклёвка билан шувоб текисланади ва кузов бўяш участкасига ўтказилади.

Бўяш жойи алоҳида ёпиқ герметик бўлиб у ишончли ҳаво суриш ва ҳайдаш асосида ишловчи вентилятор билан жиҳозланади. Бу камерада кузов сатхига аввало хомаки бўёқ грунт сепилади, корпусга шовкинга ва коррозияга қарши ишлов берилади ва махсус пуркагич пистолетларда бўёқ

сепилади. Нитроэмалли бўёқлар тез, 20 минут ичида оддий харорат 18-20°C да қуритилади, агар синтетик эмал бўёқлари ишлатилса қуритиш учун кузовни 110-130°C хароратли камерада 30-50 минут ушлаб туришга тўқри келади.

Бўёқларни тайёрлаш, ранг ва жилосини аниқлаш компьютерлар ёрдамда ёки махсус тайёргарликга эга бўлган мутахассислар бажарадилар. Кузов жамламасининг яна бир участкаси **арматура** участкаси бўлиб, бу жойда эшиклар, капотлар, багажник, ошиқ-мошиқлари, қулфлар, ойналарни кўтариш-тушириш механизмлари ва хошиялари таъмирланади.

Шунингдек, кузов жамламасида ёки алоқида мустақил кузов ичидаги ўриндиқлар ва суягичларни таъмирловчи ва радиатор, бензобакларни кавшарловчи участкалар ҳам бўлиши мумкин. Автомарказлар ва АТХКСларида маъмурий-маиший хоналар қатори албатта мижозлар учун алоҳида хона, эҳтиёт қисмлар омборлари ва савдо дўконлари, салонлари бўлиши шарт. АТХКСларнинг технологик жиҳозларига келсак, улар ишчи постлари сони ва ихтисосланганлигига қараб махсус ишлаб чиқарилган технологик жиҳозлар ва махсус асбоблар табелига асосан жиҳозланади. Табелда станциянинг қувватига қараб ҳар бир керакли технологик жиҳознинг номи ва сони кўрсатилади.

Дилер станцияларида эса ҳар бир постда ишловчи ишчилар сони ва улар учун керакли асбоб ускуналар жамламаси ҳам келтирилади.

Зарур технологик жиҳозлар сонини ҳисоблаб ҳам топса бўлади. Бунинг учун улар икки турга ажратилади: смена давомида узлуксиз ишлатиладиган (ювиш машиналари, пайвандлаш аппаратлари, механик дастаклар ва х.к) ва вақти-вақти билан ишлатиладиган (диагностик стендлар, кўтариш ва юк кранлари ва х.к) жиҳозлар.

Узлуксиз ишлатиладиган жиҳозларни қўйидаги формулага асосан ҳисоблаб чиқса бўлади:

$$Q = \frac{T_{ж}}{F_{ж}} = \frac{T_{ж}}{D_{йик} T_{с} P}$$

бунда: $T_{ж}$ - шу жиҳоз ёки жиҳозлардаги йиллик бажариладиган

ишлар хажми, ишчи-соат ҳисобида;

$F_{ж}$ -бир жиҳознинг бир йилдаги ишлаш вақти фонди,

соат ҳисобида;

$D_{йик}$ -йиллик иш кунлари;

$T_{с}$ -ишчи сменанинг давомилиги, соат;

C - ишчи сменалар сони;

- жиҳоздан вақт давомида фойдаланиш коэффициенти
(0,6-0,9);

P - шу жиҳозда бир вақтда ишлайдиган ишчилар сони.

Ишлаб чиқариш анжомлари (верстаклар, токча-стелажлар, тумбочкалар ва х.к) миқдори сменада энг кўп ишловчи ишчилар сони билан аниқланади. Корхонада бажариладиган оқир ишлар биринчи навбатда, автомобилларни ювиш, кўтариб-қуриш, қисмларга ажратиш ва йиқиш, кўтариш-ташиш ишлари механизациялаштирилади.

Назорат саволлари

1. Автосервис корхонасининг ишлаб-чиқариш участкаларини айтинг.
2. Ишчи постини таърифланг.
3. Ишчи ва ёрдамчи постлар фарқини аниқланг?
4. Устахонада бажариладиган ишларни айтинг?
5. Диагностика участкасида бажариладиган ишлар ва жиҳозлари тўқрисида тушунча беринг?
6. Электротехника устахонасининг жиҳозларини сананг?
7. Аккумуляторни таъмирлаш ишлари жиҳозларини айтинг?
8. Агрегат устахонасини таърифланг.
9. Кузов устахонасида ишлатиладиган жиҳозларни айтинг.
10. Ёрдамчи ишлаб чиқариш участкаларини сананг?

МАВЗУ-7

АВТОМОБИЛЬ СЕРВИСИДАГИ ИЛҚОР ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОСЕРВИСИНING ИСТИҚБОЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Режа.

1. Ўзбекистон автосервиснинг ўзига хос шаклланиши ва ривожланиши.
2. Соҳанинг бош муаммолари, иқтисодий-ислоҳатлар ва кутилаётган истиқболлар.
3. Ривожланган Европа, АҚШ ва Япония мамлакатларида автосервиснинг ташкил этилиши ва хизмат кўрсатилишидаги илқор усуллари ва тажрибалари, уларни ўрганиш ва амалда қўллаш масалалари.

Таяч иборалар

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон автосервиси тажрибалари ўрганилмаслиги, автосервиснинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятининг сусайганлиги, иқтисодий ислоҳатлар, мулкга эгалик қилиш, «ЎзДЭУ авто», «СамКочАвто» компанияларининг қурилиши, кулайликларнинг етишмаслиги, асоссиз нархлар, эҳтиёт қисмларнинг камлиги, меъёрий хужжатларнинг камлиги, хизматларнинг чегараланганлиги, деталлар иш қобилиятини тиклаш, кузовларни тикловчи махсус мустақил корхонанинг йўқлиги, технологик жиҳоз, асбоб-ускуналар етишмаслиги, илқор чет эл тажрибалари: Европа, А+Ш, Франция, Япония ва бошқалар.

Адабиётлар.

- 1..Афанасьев.л.л. и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: транспорт, 1980, 158-164 с
- 2 Напольский. Технологическое проектирование АТП и СТО. М.; транспорт. 1994, 56- 61с.

Мамлакатимизда автомобил сервисини пайдо бўлиши ва уни ривожланиш тарихини юқорида қисқача баён қилиб ўтган эдик.

Унинг ўзига хослиги шундан иборатки, соҳа маълум ижтимоий-сиёсий, иқтисодий сабабларга кўра дунё автомобил сервисидаги деярли 50-60 йил кеч қолиб кетганлиги тан олинди ва ривожлана бошлади.

Айниқса, унинг энг зарур ва мукаммал усули фирма усулида хизмат кўрсатиш орқада қолиб кетди. Жаҳон автомобил-сервисини кўп йиллик тажрибалари етарли ўрганилмади ва уларнинг бу соҳада эришган ютуқларидан ўз вақтида фойдаланилмади. Ахир автосервис ҳам социалистик иқтисодиёт шакли ва мазмунида ёрдам кўрсатар, унга дунёга танилган автомобил компанияси илқор тажрибаларини қўллашга сиёсий қолиплар йўл бермас эди.

Автосервис хизмати асосан фақат бир турдаги, яъни шахсий енгил автомобилларга мўлжалланганлиги ва кўрсатилиши соҳа кўламини торайтирди ва уни ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини сусайтирди. Ўзбекистонда 1990 йилда аҳолига қарашли енгил автомобиллар сони деярли 1 млн. бўлишига қарамай, уларга фақатгина 300 та АТХКСлари, автоустахоналар ва техник хизмат кўрсатиш пунктлари хизмат кўрсатар, улардаги жами ишчи постлари сони 1500 тагина эди. Демак, 660 автомобилга 1 та ишчи пости тўқри келган. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида бу нисбат 70-75: 1 ни ташкил этади. Натижада, автосервис хизматига бўлган талаблар тўла қондирилмас, хизмат учун навбат кутиш, турли жойлардан эҳтиёт қисмлар кидириш, бунинг устига мижозларга нисбатан қўпол муамола ва баъзида ҳисобдаги қалбакиликлар соҳада жиддий тарангликлар ва норозиликларга сабаб бўлар эди.

Мустақиллик йиллари даврида (1992-2002 йй) мамлакатимиз автосервиси соҳасида, ундаги аҳволни яхшилаш мақсадида бир қанча жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда иқтисодий ислохатлар ўтказилиб, мулк эгалари ўзгартирилди, деярли 70% АТХКСлар, автоустахоналар хусусий ишбилармонларга сотилди, қолганлари эса ҳиссадорлик жамиятлари, уюшмаларига айлантирилди.

Давлатни ўрта ва кичик бизнесни тез суръатлар билан риволантиришга қаратилган сиёсатига асосан (автосервис, айнан шу тоифага киради) Республикаимизнинг барча шаҳарлари ва ҳатто, қишлоқлари кичик қувватга эга бўлган (1-2 постли) кўпдан-кўп техник хизмат пунктлари ва автоустахоналар очилди. Будаё кичик корхоналар сон-саноқи тўқрисида ҳозирча статистик маълумотларга эга эмасмиз.

Айниқса, Республикаимиз автосервиси хизмати аҳолига жиддий ижобий таъсир кўрсатилган нарса бу мамлакатимизда автомобиллар ишлаб чиқарила бошланиши, автомобил саноатини пайдо бўлишидир. Ўзбекистон – Жанубий-Корея + ўшма автокорхонаси «ЎзДЭУ» томонидан Андижон вилоятининг Асака шаҳрида замонавий уч хил русумдаги енгил автомобиллар 1996 йил 19-июнидан расман ишлаб чиқарила бошлади. Бу автомобиллар билан савдо қилиш ва уларга фирма усулида хизмат кўрсатиш мақсадида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги йирик автомарказларидан 13 таси реконструкция қилиниб, тўла қайта жиҳозланиб чиқилди. Бир қанча замонавий автосалонлар, автодўконлар қурилиб, кадрлар малакавини оширишга эътибор берилди. Албатта, кейинги 6-7 йиллар ичида автосервис соҳасида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ва чоратадбирлар ўз самарасини берди.

Автосервис корхоналари эшиклари олдида узоқдан-узоқ навбат кутишлар йўқолди, шаҳарларда мижозлар сервис корхоналарни ва ҳатто усталарни ҳам танлаб олиш имкониятларига эга бўлдилар. Соҳада мижозларни жалб этиш учун рақобат пайдо бўлди.

Аммо амалга оширилган жиддий чоралар ва эришилган ижобий ютуқларга қарамай Республика автосервиси соҳасида ҳали автомобиллар эгалари ва автотранспорт ходимларини қаноатлантирадиган муҳим туб ўзгаришларга эришилганича йўқ.

Айниқса, хизматнинг сифатига кафолат учун олинаётган нархларни асоссиз равишда оширилиб юборилаётганлигига мижозларни эътирозлари камаяпти. Мижозлар учун қулайликлар яратиш, уларни керакли ажборотлар билан таъминлаш, ҳуллас хизмат кўрсатиш маданияти жаҳон андозалари даражасидан ҳали йироқда.

Қишлоқ туманларида, шаҳарлараро йўллар бўйларида қониқарли автосервис хизмати кўрсатиладиган станциялар, техник ёрдами пунктлари кам учрайди. Автосервис хизматини кўрсатувчи барча корхоналарнинг эҳтиёт қисмлари омборлари деярли бўм-бўш. Зарур эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материаллари (бўёқлар, мойлар, филтрлар, тормоз ва совутгич суюқликлари ва х.к) турли дўконлардан ва асосан бозорлардан сотиб олиниб ишлатилмоқда. Табиийки, будай молларни келиб чиқиши номаълум бўлиб улар сифатига ҳеч ким кафолат бермайди.

Мижозлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат қонунларига асосланган корхоналар меъёрий ҳужжатлари (хизматга қабул қили шва эгасига топшириш қоидалари, сифатини кафолатлаш тартиби, мижозлар шикоятларини кўриб чиқи шва чора кўриш тартиблари ва х.к) ҳатто йирик автомарказларда ҳам камдан-кам учрайди, уларни ишлаш ёки ишламасликлари тўқрисида маълумот олиш имкони йўқ. Демак, корхоналар томонидан хизматлар сифатини назорат қилиш ўз холига ташлаб қўйилган.

Бизнинг фикримизга кўра мамлакатимиз автосервиси соҳасининг энг муҳим муаммолари қўйидагилардан иборат:

1. Республика автосервиси корхоналарининг сони, таркиби ва ишлаб чиқариш қуввати унинг мавжуд автомобил паркига муносиб эмас. Натижада қишлоқ туманлари, магистрал йўллар бўйинлари, йирик автомобиллар турини ва сақлаш жойларида хизматга бўлган талаблар жуда кам даражада қондирилади;
2. Мавжуд автосервис корхоналарининг ишлаб чиқаришлари асосан енгил автомобилларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. уларда юк автомобиллари автобуслар ва махсус автомобилларга хизмат кўрсатиш имконияти чегараланган ёки умуман йўқ;
3. Автосервис корхоналарида ишдан чиққан деталлар, узеллар ва агрегатларни таъмирлаш, иш қобилиятини тиклаш ишлари етарли эмас, тикланган деталлар номенклатураси 3-4% дан ошмайди;
4. Махсус ишларни бажаришга ихтисослашган – масалан, йўл транспорт ходисалари туфайли шикастланган кузовларни тикловчи мустақил сервис корхоналари деярли йўқ;

5. Автосервис корхоналари кўпчилигининг (90%) ишлаб чиқариш техника базаси ўта заиф ҳолда, улар баъзан тасодифий ва вақтинча биноларда жойлашган, технологик жиҳозлар махсус ускуналар билан таъминланганлиги даражаси меъёрларини 30-40% ошмайди, ишлаб турган жиҳозларни кўпчилиги ҳам маънавий ҳам жисмонан эскириб қолган.

Айниқса, махсус диагностика ўлчов ва назорат асбоблари ва қурилмалари қилдиракларни мувозанатловчи стендлар, тормоз ва мотор қувватларини ўлчовчи стендлар, ювиш-қуришти машиналари, махсус сканерлар етишмайди. Соҳа механизация, автоматизация ва компютериализация даражаси паст. Бу эса меҳнат унуми ва сифатини оширишга имкон бермайди.

6. Соҳада ишлаб чиқариш техника базасининг ўсиши ва хизматлар сифатини кафолатлаш учун зарур бўлган стандартлар ва меъёрий техник хужжатлар ишлаб чиқилмаган.
7. Мамлакат миқёсида автомобил транспорт ива автомобил сервис соҳалари учун ишончли, узлуксиз ишловчи моддий-техника таъминоти тизими ёки бозори хали яратилганича ёки шаклланиганича йўқ.
8. Соҳада илмий-техника ютуқлари, илқор тажрибалари тўқрисидаги ахборотлар билан таъминлаш ёки алмашиш умуман йўлга қўйилмаган.
9. Соҳа учун ҳамма бўқиндаги кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш масаласи хали маромига етишмаган ва ҳ.к.

Албатта бу муаммолар вақтинчалик, улар вақт ўтиши билан ҳал бўлиши муқарар.

Энди автосервис соҳасида илқор чет эл тажрибасига келсак, юқорида айтиб ўтганимиздек автосервис Европа, АҚШ ва бошқа мамлакатларда автомобил саноати ва транспорти билан тенг тарихга эга, бирга тўқилиб, бирга ҳамкорликда ривожланиб келаяпти. Шунинг учун у мамлакатларда кўрсатаётган хизматларнинг сифати ҳам маданияти ҳам юқори ва кўлами кенгдир. Бунинг учун мамлакат ҳудудларининг барча шаҳарлари, қишлоқлари ва бошқа аҳоли яшовчи пунктлари, шаҳарлараро йўл бўйлари дам олиш зоналари турли даражада ва турли ҳилдаги автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналар тармоқи билан қопланган. Масалан, XX аср 90-чи йиллар охирида 200 млн.дан ортиқ автомобил паркига эга бўлган А+Шда (шундан 80% енгил автомобиллар, 19,7% юк автомобиллари ва 0,3 % автобуслар) автосервис хизмати кўрсатаётган корхоналар, пунктлар сони 58,5 минг та бўлган.

Шундан 110 мингта АТХКСлари ва автоустахоналар, 85 мингта савдо базалари ва дўконлари, ижарага олиш пунктлари бўлган. А+Шдаги АЗСларни кўпчилигида (йўллар бўйларидагиларда 100 % умуман олганда 70 %). Юқорида кўрсатиб ўтилган автосервис корхоналари бўйича техник хизмат ва таъмирлаш ишларининг тақсимланишини тахминан қўйидагича:

- АЗС ва улар ёнидаги станцияларда30%
- Мустақил АТХКСлари ва автоустахоналар.....40%

- Дилер станциялари15%
- Автокорхоналар устахоналарида...6%

Шунингдек АТХК станциялар, автоустахоналарнинг умумий сони;

- Францияда (70 млн. Автомобил)...50 минг
- Германияда (50 млн. Автомобил)20 минг
- Англияда (25 млн. Автомобил).....35 минг бўлган.

Бу мамлакатларда АТХКСлар турли хилларини учратиш мумкин, масалан:

1. Умумий мақсадларга мўлжалланган станциялар асосий бажарадиган ишлари ТХ ва таъмирлаш ва энг муҳими савдо;
2. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш станциялари;
3. Тех хизмат кўрсатиш станциялари (12 минут ичида) маълум хилдаги майда ТХ ва таъмирлаш ишларини бажариб беради;
4. Авария натижасида шикастланган автомобиллар кузовларини тикловчи станциялар.
5. Харакатланиш тезлиги станциялари (йўл полициясига қарашли).
6. Ихтисослашган автоустахоналар махсус ишларни бажарувчи (аккумуляторлар, кузовлар, агрегатлар, электр ва электрон жиҳозлари ва х.к.).
7. Кўчма станциялар, тех техник ёрдам кўрсатувчи ва автомобиллар тўхтаб турадиган ва сақланадиган жойларда хизмат кўрсатадилар.

Чет элдаги барча турдаги АТХКСлари ва автоустахоналари асосан кичик хажмдаги, баъзида оилавий корхоналари, масалан, АҚШдаги АТХКСларни хажми кўйидагича:

- 3-9 автожойда (1-3 постли).....45-50%
- 10-20 автожойда (4-6 постли).....20-25%
- 21-35 автожойда (7-10 постли).....15-20%
- 35 дан кўп автожойли (10 дан кўп постли).....10-15%

Шуни айтиш керак-ки, мустақил АТХКСлар ва автоустахоналарнинг 85% юк автомобилларига ҳам хизмат кўрсатиш имкониятига эгадирлар.

АТХКСларда ишлайдиган ишчиларни сони ўртача: АҚШда-4,2 киши, Францияда – 4,5 киши, Италияда 5,2 кишиларни ташкил этади.

Барча турдаги автосервис корхоналарни технологик жиҳозлар, асбоб-ускуналар диагности нazorat стендлари ва ўлчов приборлари билан таъминланганликлари талаблар даражасида эканликлари тўқрисида маълумотлар бор. Иқтисодий ривожланган дунё мамлакатларида автосервис ва автомобил транспортларида автосервис ва автомобил транспортини эҳтиёт қисмлар, ТХ ва Т учун зарур бўлган материаллар билан таъминлаш масаласи ижобий хал қилинган. Бунинг учун узлуксиз, ишончли ва барқарор таъминлаш тизими бетўхтов ишлаб туради.

Илқор чет эл тажрибасида мижозлар билан ишлаш масаласига жуда катта эътибор берилади.

Мижозлар барча зарур маълумотлар билан таъминланади, улар учун турли қулайликлар яратилган, масалан, автомобилни хизматга олиб келиши ва хизматдан чиққандан сўнг эгасига элтиб бериш ёки эгаси талабига кўра

уйида, гаражида хизмат кўрсатиш, доимий мижозлар учун хизмат хақини бир қисмидан кечиш ва х.к. Хуллас, бу соҳада илқор чет эл тажрибасини жиддий ўрганиш, улардан ўз амалиётимизда ижодий фойдаланиши масаласи олдимизда турипти.

Назорат саволлари.

1. Ўзбекистон автосервисининг шаклланиши ва ривожланиши тўқрисида тушунча беринг.
2. Соҳанинг бош муаммоларини айтинг.
3. Нима учун ишлаб –чиқариш техникаси қолоқ бўлган.
4. Моддий техника таъминотининг қолоқлиги сабабини айтинг.
5. Иқтисодий ислоҳатларнинг аҳамияти нимада?
6. Автосервс хизмати истиқболини қандай тасаввур қиласиз?
7. Соҳанинг энг муҳим муаммолари нимада?
8. Ривожланган Европа давлатлари Автосервисларида ишларнинг тақсимланиш даражасини биласизми.
9. ТХКС ларининг ривожланган давлатларда учрайдиган турларидан намуналар келтиринг.
10. Илқор чет Эл тажрибасида мижозлар билан ишлаш масаласига эътибор қандай?

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.

Асосий адабиётлар.

1. Усмонов Д.И. Ўзбекистон республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибига ТХК ва таъмирлаш тўғрисидаги низом.- Т.: 1999, 42 б.
2. Кузнецов Е.С. Техническое эксплуатация автомобилей. - М.: Транспорт, 2001, 426 с.
3. Афанасьев Л.Л., Колясинский Б.С., Маслов А.А. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. - М.: «Транспорт», 1980, 382 с.

Кўшимча адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. -Т.: Ўзбекистон, 1997, 430 б.
2. Напольский Г.М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания автомобилей. - М.: Транспорт, 1994, 431 с.
3. Напольский Г.М., Тугин А.В. Реконструкция и техническое перевооружение автотранспортных предприятий. – М.: МАДИ, 1988, 365 с.

4. Салов А.И. Охрана труда на предприятиях автомобильного транспорта.- М.: Транспорт, 1985, 448 с.
5. Основы технической эксплуатации автомобилей. Под. ред. Балбаса М.М. –М.: Транспорт, 2001, 375 с.
6. Крамаренко Г.В., Барашков В.А. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш.-Т.: Ўқитувчи, 2000, 453 б.
7. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. – М.: Транспорт, 1989, 392 с.